

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Phd.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**НАРЗИКУЛОВА ДИЛНОЗА ХАШИМЖОНОВА**

**ТАЪЛИМНИ АХБОРОТЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ПЕДАГОГИК  
НИЗОЛАРНИНГ ПРОФИЛАКТИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2018**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
докторска философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctoral of  
philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

**Нарзикулова Дилноза Хашимжоновна**

Таълимни ахборотлаштириш шароитида педагогик низоларнинг  
профилактик технологияларини такомиллаштириш.....3

**Нарзикулова Дилноза Хашимжоновна**

Совершенствование профилактических технологий педагогических  
конфликтов в условиях информатизации образования.....21

**Narzikulova Dilnoza Xashimjonovna**

Improvement of technologies of pedagogical conflicts in the condition of  
informatization of education .....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publication.....43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Phd.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**НАРЗИКУЛОВА ДИЛНОЗА ХАШИМЖОНОВНА**

**ТАЪЛИМНИ АХБОРОТЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ПЕДАГОГИК  
НИЗОЛАРНИНГ ПРОФИЛАКТИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Ped306 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифанинг [www.samdu.uz](http://www.samdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ибраимов Холбой Ибраимович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Чориев Абдишуккур Чориевич**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Ходжаев Бегзод Худойбердиевич**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат университети**

Диссертация химояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Phd.28.03.2018.Ped.02.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (99866) 239-13-87; факс: (99866) 239-12-29; e-mail: [samdu\\_ped\\_kengash@samdu.uz](mailto:samdu_ped_kengash@samdu.uz)).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (99866) 239-11-51.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да \_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**М.М.Махмудова**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси ўринбосари, п.ф.д., профессор

**М.А.Файзиев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

**Н.Шодиев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, п.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон ахборотлашуви шароитида замонавий полимаданиятли жамиятни тезкор ривожлаштириш, инсоният ҳаёти ва келажагига таъсир этувчи глобал, кишиларнинг кундалик турмушида содир бўлувчи жорий низоларни дипломатик ҳал қилишнинг ҳуқуқий ва амалий муносабатларига қаратилган ҳаракатлар-профилактикасининг аҳамияти ортиб бормоқда. Мазкур профилактик жараёнларнинг асосий объекти сифатида таълим муассасаларидаги педагогик низолар эътиборга олинди, уларнинг конфликтологик маданиятни шакллантиришдаги ўқитиш ва ўрнатилган бўлиш имкониятлари юқори ҳисобланади.

Жаҳоннинг АҚШ, Буюк Британия, Франция, Хитой, Россия каби давлатларида низоли вазият ечимларни ўрганиш, конфликтология соҳасини ривожлантириш бўйича илмий изланиш натижаларининг юқори самарадорлиги соҳа олимлари томонидан эътироф этилмоқда. Жумладан, “Тинчлик таълими тадқиқотлари маркази” (АҚШ) изланишлари жамиятдаги низолар профилактикасида зарарли ахборотлар ва маънавий таҳдидларнинг ўрнига қаратилган бўлса, “Конфликтологик тадқиқотлар маркази”нинг (Россия) асосий тадқиқот йўналишлари ёшларнинг компьютер ва Интернетга қарамлиги натижасида келиб чиқаётган ижтимоий ҳуқ-атворидаги салбий ўзгаришлар асосида юзага келувчи педагогик низо кўринишлари инобатга олинган.

Мамлакатимизда таълим-тарбия сифатини таъминлаш, таълим муассасаларининг моддий-техник базаси ва методик таъминотини кучайтириш, ўқитувчилар меҳнати ва яшаш шароитларини янада яхшилаш, таълимни инсонпарварлаштириш ва демократлаштиришдаги ислохотлар жамиятимизда педагогик касби обрўси ва нуфузининг ортиши, таълим жараёнларига шахсга йўналтирилган таълим моделларини кенг жорий этиш имкониятини яратмоқда. Шу билан бирга, педагогик жараён субъектлари ўртасидаги низоли вазиятларнинг профилактик технологиялари самарадорлигини ошириш зарурати мавжуд. Бугунги кунда таълим тизими олдида “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, сифатли таълим хизматларига имкониятларни ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрларни тайёрлаш”<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгиланган бўлиб, бу борада таълимни ахборотлаш-тириш шароитида ҳар қандай педагогик низо омиллари ва кўринишларини аниқлаштириш, педагогларда конфликтологик компетентлиликни ривожлантириш мазмуни ва профилактик жараён технологияларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони.- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017й., 6 сон, 70- модда

муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларни мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон Қарори, 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5538-сон Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Педагогик низоларнинг олдини олиш, бўлажак ўқитувчиларда конфликтологик маданиятни ривожлантиришнинг концептуал асослари Н.Азизходжаева, М.Ахмедова, Р.Жўраев, Х.Ибрагимов, Н.Эгамбердиевалар томонидан ўрганилган.

Таълимни ахборотлаштириш шароитида педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ҳамда ахборот истеъмоли маданиятини ривожлантириш, соғлом турмуш маданиятини ривожлантириш, ўқувчи-ёшларнинг хулқ-атвори профилактикаси ва коррекцияси масалалари Ш.Абдуллаева, А.Арифджанова, У.Бегимқулов, Н.Джумаева, О.Жамолитдинова, О.Ибодуллаева, Р.Исянов, А.Исманова, О.Мусурмонова, З.Салиева, Б.Ходжаев, Ш.Шарипов, Б.Шермухаммадов, М.Қуроновларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган.

Низоларни тадқиқ этишнинг умумий, фалсафий ва социологик асослари М.Бекмуродов, М.Ёқубова, Г.Тўйчиева, Н.Шермухаммедова, шунингдек А.Анцупов, К.Боулдинг, Ф.Бородкин, Н.Гришина, Р.Дарендорф, Э.Дюркгейм каби хорижий олимлар томонидан тадқиқ этилиб, уларда низоларнинг моҳияти, ҳаракатлантирувчи кучлари, типологияси, низоларни бошқариш усуллари ёритиб берилган.

Низонинг психологик жиҳатлари М.Дойч, А.Здравомыслов, В.Журавлев, Б.Лихачёв, Б.Ломов, В.Мерлин, В.Мясищев, Ж.Пиаже, Н.Сафаев, Р.Суннатова, Э.Эриксон, Б.Қодиров, Э.Ғозиев, О.Иванова, О.Лукашенок, В.Андреев, И.Рыданова, В.Сластенин, Н.Щурковаларнинг тадқиқотларида шахслараро муносабатлар контекстида ўз аксини топган.

Замонавий ёндашувлар таҳлили шуни кўрсатадики, A.Becker, H.Becker, K.Berkel, K.Vopel, G.Schwarz, N.Davenport, M. Rosenberg, P.Heigl, M.Kurray, L.Deyvits, U.Lindsey, D.Laynz, P.Smit, S.Sharp, A.Dezetta каби хориж олимлари томонидан низонинг ижтимоий-психологик табиати, педагогик низоларнинг самарали профилактик методлари тадқиқ этилган.

Юқоридаги илмий манбалар таҳлили таълимни ахборотлаштириш шароитида педагогик низоларнинг профилактик технологияларини

такомиллаштириш, педагогларда конфликтологик маданиятни ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш, ўқувчиларда аддиктив хулқ-атвори корекциялашнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш долзарблигини кўрсатмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқотлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Навоий давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ОТ-Ф1-36-“Талабалар маънавиятини диагностика қилиш механизмларини такомиллаштириш” (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг фаолияти доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** таълимни ахборотлаштириш шароитида педагогик низоларнинг профилактик технологиялари мазмуни ва ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

таълимни ахборотлаштириш шароитида педагогик низолар юзага келишининг объектив ва субъектив омиллари, низоларнинг намоён бўлиши ва кўринишларини аниқлаштириш;

педагогик низолар профилактикаси самарадорлигини оширишга йўналтирилган рағбатлантирувчи, когнитив, жараёнли, интегратив мезонлари ва даражаларини аниқлаштириш;

таълимни ахборотлаштириш шароитида инновацион фаолиятнинг англамаганлигини корекциялаш асосида педагогларда конфликтологик компетентлиликни ривожлантиришнинг профилактик моделини такомиллаштириш;

педагогик низолар профилактикасининг рефлексив ва витаген таълим технологияларини ташкилий ва натижавий компонентларини интеграциялаш асосида такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида умумий ўрта таълим мактабларида педагогик низолар профилактикаси самарадорлигини ошириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Навоий, Бухоро ва Самарқанд вилоятларидаги 5 та мактабнинг 184 нафар респондент ўқитувчилари жалб этилди.

**Тадқиқотнинг предмети** таълимни ахборотлаштириш шароитида педагогик низолар профилактикаси мазмуни, шакл, метод, воситалари ва технологиялари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, тажриба-синов таҳлили, умумлаштириш, ижтимоий методлар (анкета, эксперт баҳолаш, тест, савол-жавоб, суҳбат, интервью) педагогик тажриба-синов, математик-статистик таҳлил каби тадқиқот ва таҳлил натижаларини умумлаштириш усулларидадан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

таълимни ахборотлаштириш шароитида педагогик низолар юзага келишининг асосий омиллари ўқув-тарбия жараёни субъектларининг интенсив низоли вазиятдаги ҳаракати, ахборотлар кўламининг стрессли таъсири, касбий фаолиятнинг назорати, аддиктив хулқ-атвор моҳиятига

устуворлик бериш (интеграциялаш, доимий таҳлил, очиклик) асосида аниқлаштирилган;

педагогик низолар профилактикаси самарадорлигини баҳолаш мезонлари (рағбатлилик, жараёнли, интегратив) педагогик-конфликтологик компетенциялар, коммуникатив маданият, эмоционал интеллект, низоларга барқарор муносабат, низоли вазиятда конструктив стратегияларни танлаш параметрларининг ўзаро таъсир даражасига асосланган ҳолда такомиллаштирилган;

педагогларда конфликтологик компетентликни ривожлантириш имкониятлари методологик (когнитив, фаолиятга доир, аксиологик) ва амалий (вербал индивидуал, новербал гуруҳли) компонентлар мазмунига конструктив йўналганлик, шахслараро интеграл ва аксиологик муносабатларни функционаллик сифатида киритиш асосида кенгайтирилган;

педагогик низолар профилактикаси жараёнларида рефлексив ва витаген таълим технологияларини қўллашнинг ахборот-методик таъминоти субъектларнинг витагенли ахборот идроки, ҳаётий тажрибалар, инсайт қарорлар, педагогик импровизация талабларини асосида такомиллаштирилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

педагогик низолар профилактикасига доир тренинг машғулотлари мажмуи ишлаб чиқилган;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида педагог-кадрларнинг конфликтологик компетентлигини ривожлантиришга доир махсус курс дастури тайёрланган;

педагогик низолар профилактикасида таълим муассасаси ва оила ҳамкорлигини ривожлантиришга доир услубий тавсиялар (“Мустаҳкам оила-бола тарбиясининг пойдевори”, “Низо ва зиддиятлар борасидаги ижтимоий маънавий ва ахлоқий- педагогик қарашлар”) ишлаб чиқилган;

педагогик олий таълим муассасаларида “Педагогик конфликтология” фанини ўқитишнинг ўқув-методик таъминоти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги билиш назарияси методологияси (билишнинг диалектик методи, ўқув фанлари, жамият ва табиат ҳодисаларини таҳлил қилишга тизимли ёндашув) ҳамда педагогик таълим соҳасидаги республикамиз, чет эллик олимлар, шунингдек, амалиётчи ўқитувчиларнинг ишларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор, шунингдек, сифат жиҳатидан таъминланганлиги; тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг назарий аҳамияти “конфликтологик компетентлилик”, “конфликтологик маданият”, “педагогик низо профилактикаси”, “ота-



оналарнинг профилактик маданияти” каби атамаларнинг “масъулият”, “функционал масъулият”, “ахлоқий жавобгарлик” каби тушунчалар билан алоқадорликда мазмун-моҳиятининг ёритиб берилганлиги, таълим муҳитининг низога мойиллик хусусиятини коррекциялашга йўналтирилган умумтаълим мактаби ўқитувчиларнинг конфликтологик компетентлигини ривожлантириш моделининг ишлаб чиқилганлиги ҳамда педагогик низолар профилактикасида таълим муассасаси ва оила ҳамкорлигини таъминлаш механизмларининг такомиллаштирилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти қўлга киритилган натижалар педагогика олий таълим муассасаларининг педагогика ва психология йўналиши учун такомиллаштирилган Давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув дастурларини ишлаб чиқилганлиги; бакалаврият таълим йўналишлари учун “Педагогик конфликтология” номли ўқув қўлланмани яратишга хизмат қилди. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган педагогик низоларнинг профилактик технологияларидан педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Таълимни ахборотлаштириш шароитида педагогик низоларнинг профилактик технологияларини такомиллаштиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

педагогик низоларнинг юзага келиш омиллари ва мезонларини аниқлаштиришга доир таклифлардан 5110900- Педагогика ва психология бакалаврият йўналиши учун.”Педагогик конфликтология”, “Педагогик технология” фанлари ўқув дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 23 ноябрьдаги 89-03-4057-сонли маълумотномаси). Натижада интерфаол таълим шароитида юзага келадиган низоларнинг инновацион кўринишларини талабалар томонидан самарали ўзлаштириш имконияти юзага келган;

педагогларда конфликтологик компетентлиликни ривожлантириш имкониятлари, методологик ва амалий компонентлар мазмуни, педагогик низолар профилактикаси самарадорлигини баҳолаш мезонларига доир таклифлардан 2015-2017 йилларга мўлжалланган А-1-026 рақамли “Болаликни муҳофазалашда яқин катталар орқали ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ижтимоий-психологик йўллари” мавзусидаги лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 5 апрельдаги №03-02/2-2-919-сонли маълумотномаси). Натижада педагогик низолар профилактикасига доир таълим муассасаси ва оила ҳамкорлиги, болаларни маънавий ва жисмоний ривожланишида ахборот хавфсизлигини таъминлаш имкониятлари кенгайган;

педагогик-конфликтологик компетентциялар, коммуникатив маданият, эмоционал интеллект, низоларга барқарор муносабат, низоли вазиятда конструктив стратегияларни танлаш, рефлексив ва витаген таълим технологияларини қўллашнинг ахборот-методик таъминотида оид амалий таклиф ва тавсиялар асосида “Педагогик конфликтология” ўқув қўлланмаси мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018

йил 23 ноябрьдаги 89-03-4057-сонли маълумотномаси). Мазкур ўқув қўлланма педагогик низоларни диагностикалаш, олий таълим муассасалари талабаларини педагогик фаолиятга сифатли тайёрлаш, маънавий-ахлоқий низоларга нисбатан конструктив муносабатни қарор топтиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика конференцияларида муҳокама этилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган республика ва халқаро илмий нашрларда 14 та мақола, ҳамда 15 та халқаро республика миқёсидаги конференциялар материалларида ўз аксини топган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 142 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиш борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Таълимни ахборотлаштириш шароитида педагогик низолар профилактикасининг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида таълимни ахборотлаштириш шароитида педагогик низоларнинг намоён бўлиши ва кўринишлари, низо ва конфликтотген ҳодисасининг педагогик-психологик тавсифи, педагогик низолар профилактикасининг назария ва амалиётдаги ҳолати баён этилган.

Тадқиқот натижалари асосида таълимни ахборотлаштириш ўқитиш сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этиши билан бирга ахборотлар таъсири остида юзага келадиган ўқувчиларнинг аддиктив хулқ-атвори педагогик низоларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкинлиги аниқланди. Виртуал дунё таъсири остида ўқувчиларда реал ҳаётий вазиятлардан узоқлашиш, идентивликдаги ўзгаришлар таълим-тарбия жараёнида диққатни жамлаш, иродавийлик ва мақсадга йўналганлик каби сифатларнинг тўлиқ намоён бўлмаслиги, ўқув материалларини ўзлаштиришдан ортда қолишга олиб келади. Ахборот воситалари ҳаётнинг турли стандарт ва қоидаларини кўрсатиб бериш орқали индивиднинг оламини билиш имкониятлари чексизлигини ошириш билан бирга, ўқувчи шахсининг

ўз-ўзини ташкиллаштириш, ўз-ўзини бошқариш каби хусусиятларига салбий таъсир кўрсатиши аниқланди. Ахборотлар таъсирида остида ўқувчида аддиктив хулқ-атворнинг юзага келиши ўз навбатида педагогик низоларнинг янги кўринишларини юзага келтиради.

Қадимги ва ўрта асрлар файласуф, комусий олимлари, замонавий миллий ва хорижлик олимлар (Арасту, Гераклит, Эпиктет, Афлотун, Конфуций, Зардўшт, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Имом ал Бухорий, Т.Парсон, Л.Козер, Р.Даредорф, З.Фрейд, К.Хорни, А.Адлер, Н.Азизходжаева, Р.Сафарова, Х.Ибрагимов)нинг турли-туман қарашларини таҳлил этиш асосида низоларнинг инсон ҳаётидаги ўрни ва роли аниқлаштирилди. Айниқса, сўнгги вақтларда психологик тадқиқотларда низога ҳаётимизнинг табиий “таркибий қисми” сифатида ёндашувнинг устунлиги кузатилди (Н.Гришина, С.Емельянов, Н.Вишнякова, Э.Ғозиев, Ғ.Шоумаров ва ҳ.к.).

Замонавий ёндашувлар таҳлили низо мотив, нуқтаи назар, эҳтиёж, қизиқиш, мақсадга қарама-қарши йўналганлик, тўқнашув тарзида талқин этилишини кўрсатди. Айрим олимлар низо тушунчасини эмоционал жиҳат билан боғлиқликда салбий эмоцияларга мойил субъектлар ўртасидаги қарама-қаршилиқнинг мураккаб шакли дея изоҳлашган (А.Анцупов, А.Шипилов, Е.Богданов, В.Зазыкин, О.Громова, О.Щербакова, А.Becker, Н.Becker, G.Schwarz, P. Heigl).

Бироқ барча назарий концепцияларда умумий нуқтаи назар, яъни низо мураккаб тузилиш ва динамик ривожланиш тавсифига эга эканлиги, низо конструктив ва деструктив функцияни бажариши ҳақидаги хулосага келинган. Шунингдек, низолар ҳам объектив, ҳам субъектив сабаблар билан боғлиқдир.

Тадқиқот жараёнида таълимни ахборотлаштириш шароитида педагогик низоларни юзага келишининг куйидаги объектив ва субъектив сабаблари аниқлаштирилди:

объектив сабаблар: ўқитувчи ва ўқувчининг функционал-ролли нуқтаи назарларидаги қарама-қаршилиқлар (ўқитувчи ўқувчининг ахборотлар жам-ғармасига эга эканлигини ҳисобга олмайди); ўқувчининг эркинлигини чекланганлиги (қатъий интизомга риоя қилишнинг талаб этилиши, ўқувчининг қизиқиши ва эҳтиёжларининг ҳисобга олинмаслиги); қадриятлар тизими, ҳаётий тажриба ва инновацион технологияларни ўзлаштиришдаги фарқлар; ўқувчининг ўқитувчига қарамлиги; ўқитувчи томонидан ўқувчилар-нинг баҳолашнинг шартлиги; ўқув материаллари ва реал ҳаётий вазият ўртасидаги фарқли жиҳатлар, ижтимоий беқарорлик ва ҳ.к;

субъектив сабаблар: компьютер ўйинлари ва Интернетга қарамлик оқибатида ўқувчида агрессив хулқ-атворнинг намоён бўлиши; ўқитувчида “низולי шахс”га хос хусусиятлар (руҳий таранглик, асабийлик, жаҳлдорлик, кўполлик)нинг мавжудлиги; ўқитувчида коммуникатив компетентлиқнинг шаклланмаганлиги; фанга ўқувчиларни қизиқтира олмаслик, уларнинг қизиқишларини ҳисобга олмаслик; ўқитувчи ёки ўқувчида шахсий муаммо-

лар, стресснинг мавжудлиги; ўқитувчида конфликтологик компетентлиликнинг ривожланмаганлиги; ўқув жараёнида мустақиллик ва ижодкорликнинг мавжуд эмаслиги ва ҳ.к.

Таҳлил натижалар диалектик ёндашувга асосланган ҳолда низо – педагогик жараённинг табиий ҳодисаси, уни ҳаракатга келтирувчи куч эканлиги ҳақидаги хулосага келинди. Шунингдек, тадқиқотда низолар конфликтга мойиллик ҳодисаси билан боғлиқ эканлиги аниқланди. Низога мойиллик (конфликтогенлик) деганда низоларнинг юзага келишини таъминловчи педагогик жараён ва ижтимоий фаолият омиллари йиғиндиси тушунилади. Мазкур соҳага доир амалга оширилган тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда низога мойиллик таълим муҳитининг объектив қонуниятлари билан алоқадор бўлиб, педагогик фаолиятнинг мураккаблиги, ўқув-тарбия жараёни субъектларининг интенсив низоли вазиятда ҳаракатла-ниши, низоли вазият иштирокчиларида интеллектуал компонентнинг бузили-шига олиб келувчи эмоционалликнинг устунлиги, ахборотлар кўламининг стрессларга мойилликни юзага келтириши, касбий фаолиятнинг бир хил қатъий меъёр ва талаблар доирасида назорат қилиниши; ахборотлар глобаллашуви шароитида ўқувчиларда аддиктик хулқ-атворнинг кучайиб бориши, ўқув жараёнини таълимни ахборотлаштириш талаблари даражасида ташкил этилмаслиги билан тавсифланиши ҳақидаги хулосага келинди.

Педагогнинг касбий вазифаларини бажариш сифати ва мактабнинг низоли муҳитга мойиллигининг ўзаро алоқадорлигини ҳисобга олган ҳолда тадқиқот доирасида ўқитувчининг инновацион салоҳият даражаси ва масъулиятни юқори даражада англаши концептуал асос сифатида олинди.

Тадқиқотда масъулият деганда таълим субъектининг ўз хатти-ҳаракатлари ва унинг оқибатлари учун жавобгарликни ҳис этиши, мажбурияти назарда тутилди. Шу сабабли лавозим билан боғлиқ масъулият ва ахлоқий жавобгарлик тушунчалари ишда алоҳида аҳамият касб этди.

Диссертациянинг **“Таълимни ахборотлаштириш шароитида педагогик низолар профилактикасининг амалий-технологик тизими”** деб номланган иккинчи бобида педагогик низолар профилактикасида педагогнинг конфликтогик маданияти ва компетентлигининг уйғунлаштириш асосида педагогларда конфликтологик компетентлиликни ривожлантириш модели, педагогик низоларнинг профилактик технологияси ҳамда педагогик низолар профилактикасида таълим муассасаси ва оила ҳамкорлиги ёритиб берилган.

Таълимни ахборотлаштириш шароитида ўқитувчининг инновацион фаолиятни йўналмаганлиги таъсирида келиб чиқувчи қуйидаги низо турлари аниқлаштирилди (1-расм).



**1-расм. Таълимни ахборотлаштириш шароитида инновацион фаолиятнинг анланмаганлиги таъсирида юзага келувчи педагогик низолар.**

Конфликтологик маданиятга доир тадқиқотлар таҳлили уни умуммаданият (касбий, психологик, корпоратив)нинг муҳим компоненти сифатида кўриб чиқиш лозимлигини кўрсатди.

Н.Самсонова, Т.Черняева, Н.Куклева, П.Бакланов, Н.Пидбуцкая, Н.Азизходжаевалар конфликтологик маданиятни касбий фаолият тури ва касбий низоли муҳит шароитида низолар профилактикасига қобилиятли мутахассис сифат тавсифи сифатида талқин этишган.

О.Щербакова конфликтологик маданиятни таҳлил этиш орқали шахслараро муносабатлар жараёнида юзага келувчи муаммоларни икки томонлама фойдали тарзда ҳал этишни таъминловчи шахснинг ижтимоий зарурий сифат ва хусусиятларини акс эттирувчи низоли вазиятдаги шахснинг хулқ-атвор одоби тарзида аниқлаштирган.

Р.Heigl конфликтологик маданиятни инсоннинг низоли вазиятда адекват йўналганлиги ва конструктив ҳаракатланиш қобилияти; N.Davenport низоли вазиятда ўзининг масъулиятини англаш асосида конструктив ҳаракатланишга имкон берувчи сифатлар йиғиндиси сифатида талқин этишган.

Конфликтологик маданиятнинг компонентларини аниқлаштиришга доир турли ёндашувлар мавжудлигига қарамасдан, уларнинг мазмунида умумийлик кузатилди. Жумладан, О.Щербакова конфликтологик маданиятнинг компонентлари сифатида фикрлаш маданияти, эмоционал маданият, коммуникатив маданият, хулқ-атвор маданиятини; Н.Самсонова ва Т.Черняевалар эса, конфликтологик компетенция, конфликтологик компетентлик ва конфликтологик тайёргарлик компонентларини; Н.Азизходжаева, А.Холиқовлар конфликтологик маданиятни коммуникатив қобилиятлар,

ижобий муносабат, эмпатия, низоларни конструктив ҳал этиш, вазиятни таҳлил этиш қобилияти билан уйғунликда таҳлил этишган.

Конфликтологик маданиятни ривожлантиришга бағишланган тадқиқотлар таҳлили асосида мазкур масала тўлиқ ва яхлит ўрганилмаганлиги ҳақидаги хулосага келинди. Тадқиқот объекти билан боғлиқликда педагогнинг конфликтологик маданияти муаммоли вазиятни эмоционал бошқариш ва ўз-ўзини бошқаришни амалга оширишга имкон берувчи низони адекват идрок этиш, шунингдек, низоларни объектив, ҳаққоний ва ижодий асосда бошқаришга доир когнитив қобилиятлар ва шахслилик тавсифи, деган хулосага келинди.

Тадқиқотда педагогнинг низоли муҳит шароитида масъулиятни ўз зиммасига олиш қобилияти ва тайёргарлиги конфликтологик компетентлилик тушунчаси орқали ифода этилди.

Конфликтологик компетентлилик педагогнинг махсус компетенциялари тизимига тегишли бўлиб, у таълим муассасасида низоларни бошқаришга тайёрлик ва қобилиятлиликни ифода этади.

Тадқиқот доирасида педагогларда конфликтологик компетентлиликни ривожлантиришнинг профилактик модели такомиллаштирилди (2-расм).


Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган педагогларда конфликтологик компетентлиликни ривожлантиришнинг профилактик модели яхлит тизим сифатида ўзида тайёрлов, асосий ва якуний босқичларни қамраб олган бўлиб, мақсадга йўналтирилган, диагностик, методологик, амалий ва натижавийлик компонентларини акс эттиради. Тайёрлов босқичи ўзида мақсадга йўналтирилган, диагностик ва методологик компонентларни ифода этади.

Мақсадга йўналтирилган компонентни амалга ошириш жараёнида педагогларда конфликтологик компетентлиликни ривожлантиришнинг мақсад ва вазифаларни аниқлаштирилди. Педагогларда конфликтологик компетентлиликни ривожлантириш мақсадидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги вазифалар белгилаб олинди: педагогларда конфликтологик компетентлиликни ривожланганлик даражасини аниқлаштириш; конфликтологик компетентлилик даражаси ва компетенциялари, шунингдек, коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш; шахслараро самарали мулоқотга эҳтиёжни рағбатлаш ва низоларни конструктив ҳал этишга интилиш; педагогларда эмоционал ўз-ўзини бошқариш қобилиятини ривожлантириш; низоларни самарали бошқариш қобилиятини ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш.

Диагностик аппарат ўзида тест, сўров, анкета ва интервью методларини акс эттирди.

Методологик компонент мазмунида конфликтологик компетентлиликни ривожлантириш методлари: ижтимоий-психологик ва ижтимоий-педагогик тренинглар; конфликтологик компетентлиликни ривожлантириш тамойиллари: мажмуавийлик, яхлитлик, вариативлик, қайта алоқа, муаммолилик; ёндашувлар: шахсий-фаолиятга йўналтирилган, индивидуал-табақалаштирилган; компетент, маданиятшуносликка доир, конфликтологик; конфликтологик компетентлиликни ривожлантириш мезонлари: конфлик-тологик

компетентлиликнинг юқори даражаси, конфликтологик компетен-циялар, коммуникатив маданият, эмоционал интеллект, толерантлик, эмпатия, низоларга барқарор муносабат, низоли вазиятда конструктив стратегияларни танлаш; конфликтологик компетентлиликни ривожлантириш компонентлари: когнитив, фаолиятга доир, аксиологик кабилар ўз ифодасини топди.



**2-расм. Педагогларда конфликтологик компетентлиликни ривожлантиришнинг профилактик модели.**

Асосий босқичда амалий компонентни акс эттирувчи ижтимоий-психологик, ижтимоий-педагогик тренинглари ташкил этилди. Шунингдек, амалий компонент ўзида индивидуал ва гуруҳий иш шакллари; қўйилган мақсадга эришиш имконини берувчи воситалар: вербал – ахборотни узатиш, бироқ маълум натижага эришиш мақсадида суҳбатдошнинг хулқ-атворини ўзгартиришга таъсир этиш воситаси сифатида сўз; новербал – овоз, интонация, мимика, тана тили, ташқи кўриниш кабиларни акс эттирди.

Ижтимоий-психологик ва ижтимоий-педагогик тренингларида ауто-психологик машқлар, ролли ва ишбилармонлик ўйинлари, психодраматик усуллар, мунозара, проектив расм, вазиятлар таҳлили каби интерфаол методлардан самарали фойдаланилди.

Якуний босқичда ишлаб чиқилган моделнинг самарадорлигини баҳолаш имконини берувчи педагогнинг конфликтологик компетентлигининг ривожланганлик даражаси (юқори, ўрта, қуйи)ни ташхис этиш ва баҳолаш амалга оширилди. Профилактик моделни татбиқ этиш натижасида педагогнинг конфликтологик компетентлиги ривожланишига эришиш кўзда тутилди.

Тадқиқот доирасида педагогик низоларнинг профилактик технологиялари сифатида рефлексив ва витаген таълим технологиялари такомиллаштирилди.

Тадқиқотда рефлексия педагог ва ўқувчиларнинг ўзаро биргаликдаги фаолият самарадорлиги ҳамда муваффақиятининг ўзи томонидан ташхис этиш технологияси сифатида талқин этилди.

Рефлексив технологияларни амалиётга татбиқ этишда қуйидаги шарт-шароитларга асосланилди: педагогик жараён субъектларининг юқори даражада ўз-ўзини сафарбар этиш асосида ишлаш истаги; педагогнинг педагогик фаолиятга ва ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятига аксиологик муносабати; ўзининг ички куч ва имкониятларини ишга солиш; ички оламининг гўзаллиги; вербал ва новербал ахборотнинг мазмун-моҳиятини тушуниш ва ҳ.к.

Рефлексив технологиянинг босқичларига қуйидагилар киритилди: вазиятни баҳолаш, синф, ўқувчилар ва суҳбатдошнинг реакциясини сукут сақлаган ҳолда баҳолаш, онгни бир сонияга тормозлаш; фаолиятга йўналганлик: “Мен нима қиляпман? Мазкур дақиқаларда нима содир бўляпти? Нима қилиш керак?”; ўзининг ва синфнинг интеллектуал, эмоционал ҳолатини баҳолаш; инсайт (тасодифий қарор қабул қилиш; фавқулодда, ижодий фикр: “нима қилишни биламан...” ёки ҳозирча билмадим, бироқ ўйлайман); қарор қабул қилиш (овоз тони ва темпини ўзгартириш, айтилган фикрни изоҳлаш, юз, кўз ва тана тили ифодаси); педагогик импровизация.

Витаген таълим – таълим жараёнида шахснинг ҳаётий тажрибаси, унинг интеллектуал-психологик салоҳиятини долзарблаштириш ва заруриятга айлантиришга йўналтирилган таълим. Тадқиқот доирасида витаген



таълимнинг қуйидаги тамойиллари аниқлаштирилди: ўқувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги; ўқитишдан ўз-ўзига таълим бериб ўтиш.

Педагогик низолар профилактикаси жараёнида витаген информацияларни ҳаётий тажрибаларга айлантиришда қуйидаги босқичларга асосланилди: витаген информацияни дастлабки идрок этиш; баҳоловчи – ўқувчи олинган ахборотнинг аҳамиятини аниқлаштиради ҳамда умуминсоний ва шахсий нуктаи назардан баҳолайди; шакллантирувчи босқич – янги материални ёдда сақлаш ва уни ҳаётий тажрибага айлантириш.

Диссертациянинг **“Таълимни ахборотлаштириш шароитида педагогик низоларнинг профилактик технологиялари самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобида тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари ёритиб берилган.

Шакллантирувчи тажриба-синов ишлари Навоий вилоятидаги умумий ўрта таълим мактаблари негизида ташкил этилди. Кўчма тажриба-синов ишлари Бухоро ва Самарқанд вилоятларида умумий ўрта таълим мактабларида ўтказилди. Шунингдек, Навоий вилояти халқ таълим ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти базасида тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган модел ва профилактик технологиялар синовдан ўтказилди.

Тажриба-синов ишлари аввалида респондентларда конфликтологик компетентлиликнинг ривожланганлик даражасини аниқлаш мақсадида дастлабки тест синови ўтказилди. Назоратни ўтказишдан мақсад тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган профилактик модел ва технологияни амалиётга татбиқ этишдан аввал мавжуд ҳолатни аниқлаш сифатида белгиланди. Натижаларни таҳлил этиш жараёнида тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўртача аҳамиятлилик даражасини қиёслаш учун Минн-Уитни (Mann-Whitney)нинг нопараметрик мезони, тажриба ва назорат танланмаларини тажриба аввали ҳамда сўнгги ўртача фарқ кўрсаткичларини аниқлаштириш учун Вилкоксон (Wilcoxon test)нинг нопараметрик мезони, низоли вазиятдаги хулқ-атвор стратегиялари кўрсаткичлари ва шкалаларини таққослаш учун  $\chi^2$  Пирсон (Chi-square) мезони қўлланилди.

Конфликтологик компетентлиликнинг барча кўрсаткичлари бўйича тажриба ва назорат гуруҳларида тажриба-синов ишлари аввалида статистик аҳамиятли фарқлар кузатилмади. Бу шундан далолат берадики, бир хил тайёргарлик ва ўхшашликка эга гуруҳлар шакллантирилган, уларнинг натижаларини тажриба-синов ишларидан сўнг таққослаш тўғри бўлади.

Тажриба-синов ишлари сўнггида тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган профилактик модел ва технологиянинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида педагоглар билан тест ўтказилди.

Тажриба-синов ишлари таҳлили шуни кўрсатадики, конфликтологик компетентлиликнинг барча мезонлари бўйича тажриба гуруҳидаги ўзгаришлар статистик аҳамиятликка учраган. Фақат низоли вазиятда шахснинг хулқ-атвор стратегияси кўрсаткичида статистик аҳамиятлик

якқол кузатилмаган бўлса ҳам, тажриба-синов ишларидан сўнг ижобий сифат ўзгаришлари мавжуд.

Конфликтологик компетентликнинг барча кўрсаткичлари бўйича назорат гуруҳларида тажриба-синов ишлари аввали ва якунида ҳам статистик аҳамиятли фарқлар кузатилмади. Синалувчиларга махсус тажриба-синов ишлари ўтказилмаганлиги учун кўрсаткичларда сезиларли ўзгариш мавжуд эмас.

Тажриба-синов ишлари сўнггида олинган натижалар шуни тасдиқладики, конфликтологик компетентлиликнинг барча мезонлари бўйича тажриба гуруҳида статистик аҳамиятлилик кузатилди, бироқ назорат гуруҳларида бундай ҳолат кузатилмади. Тажриба-синов ишлари сўнггидаги конфликтологик компетентлиликнинг ривожланганлик даражаси бўйича тажриба ва назорат гуруҳидаги фоиз кўрсаткичлари 1-жадвалда келтирилган.

**1-жадвал**

**Тажриба-синов ишлари сўнггида педагогларда конфликтологик компетентлиликнинг ривожланганлик даражаси (фоиз ҳисобида)\***

Конфликтологик компетентлиликнинг компонентлари	Даражалар, %						Фарқ "F"
	Паст		Ўрта		Юқори		
	НГ	ТГ	НГ	ТГ	НГ	ТГ	
Конфликтологик компетентлиликнинг умумий даражаси	53	0	47	87	0	13	0,017
Низоли вазиятлар профилактикасига доир билимлар даражаси	27	0	53	20	20	80	0,00013
Низоли вазиятлар профилактикасига доир кўникмаларга эгалик даражаси	13	0	67	33	20	67	0,004
Эмоционал йўналганлик	47	6	53	54	0	40	0,0013
Эмоцияларини бошқара олиш	80	47	20	47	0	6	0,04
Эмпатия даражаси	53	14	47	73	0	13	0,011
Ўқувчиларнинг хис-туйғуларини англаш даражаси	67	20	33	73	0	7	0,008
Эмоционал интеллект	93	34	7	60	0	6	0,0005
Толерантлик	7	0	93	60	0	40	0,0006
Амалий фаолият тажрибаси	13	0	60	40	27	60	0,006
Низоларга нисбатан барқарор муносабат	27	0	53	67	20	33	0,03
Коммуникатив назорат	20	0	67	53	13	47	0,008

\*Ишончли фарқлик  $p \leq 0,05$ ;  $p \leq 0,01$ ;  $p \leq 0,001$  даражасида аниқлаштирилади.

1-жадвалдан кўришиб турибдики, амалга оширилган тажриба-синов ишлари натижасида тажриба гуруҳларида конфликтологик компетентлилик компонентлари бўйича миқдор ва сифат кўрсаткичлари сезиларли даражада

ўзгаришга учраган. Педагогларда конфликтологик компетентлиликнинг ривожланганлик даражасида ўсиш кузатилган. 13 % педагогларда юқори, 87 % респондентларда ўрта кўрсаткич кузатилди, паст кўрсаткич кузатилмади. Шу билан бирга назорат гуруҳларида конфликтологик компетентлиликнинг ривожланганлиги паст (53 %) ва ўрта (47%) даражаларга эга бўлиб қолди, юқори кўрсаткич кузатилмади. Тажриба гуруҳларида конфликтологик компетентлилик (назорат гуруҳи (20%) билан таққослаган билимлар даражаси 80%га; кўникмалари даражаси 67%, назорат гуруҳида 20%) даражасида ҳам ўсиш кузатилди. Худди шундай конфликтологик компетентлиликнинг эмоционал компонентлари (эмоционал йўналганлик, толерантлик, эмпатия)да ҳам юқори кўрсаткич қайд этилган.

## ХУЛОСА

“Таълимни ахборотлаштириш шароитида педагогик низоларнинг профилактик технологияларини такомиллаштириш” мавзусидаги фалсафа доктори диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Таълимни ахборотлаштириш ўқитиш сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этиши билан бирга ахборотлар таъсири остида юзага келадиган ўқувчиларнинг аддиктив хулқ-атвори педагогик низоларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкинлиги аниқланди. Виртуал дунё таъсири остида ўқувчиларда реал ҳаётий вазиятлардан узоқлашиш, идентивликдаги ўзгаришлар таълим-тарбия жараёнида диққатни жамлаш, иродавийлик ва мақсадга йўналганлик каби сифатларнинг тўлиқ намоён бўлмаслиги, ўқув материалларини ўзлаштиришдан ортда қолишга олиб келади.

2. Тадқиқот натижалари асосида низо мотив, нуқтаи назар, эҳтиёж, қизиқиш, мақсадга қарама-қарши йўналганлик, тўқнашув жараёнида содир бўлиши, низо мураккаб тузилиш ва динамик ривожланиш тавсифига эга эканлиги, конструктив ва деструктив функцияни бажариши ҳамда объектив ва субъектив сабаблар билан боғлиқлиги аниқланди.

3. Низога мойиллик таълим муҳитининг объектив қонуниятлари билан алоқадор бўлиб, педагогик фаолиятнинг мураккаблиги, ўқув-тарбия жараёни субъектларининг интенсификацияси низоли вазиятда ҳаракатланиши, низоли вазият иштирокчиларида интеллектуал компонентнинг бузилишига олиб келувчи эмоционалликнинг устунлиги, ахборотлар кўламнинг стрессларга мойилликни юзага келтириши, касбий фаолиятнинг бир хил қатъий меъёр ва талаблар доирасида назорат қилиниши; ахборотлар глобаллашуви шароитида ўқувчиларда аддиктив хулқ-атворнинг кучайиб бориши, ўқув жараёнини таълимни ахборотлаштириш талаблари даражасида ташкил этилмаслиги билан тавсифланиши ҳақидаги хулосага келинди.

4. Таълимни ахборотлаштириш шароитида ўқитувчининг инновацион фаолиятни йўналмаганлиги таъсирида келиб чиқувчи қуйидаги низо турлари аниқлаштирилди: ўқув-тарбия жараёни билан боғлиқ (дидактик, ташкилий,

коммуникатив); фасилитацион фаолият билан боғлиқлик (ўқувчи учун қулай муҳитнинг яратилмаганлиги ҳамда педагогик-психологик қўллаб-қувватлашнинг етарли эмаслиги); бошқарувга доир (ўқув-билиш фаолиятини бошқаришга оид, ижтимоий-психологик, инновацион).

5. Тадқиқот объекти билан боғлиқликда педагогнинг конфликтологик маданияти муаммоли вазиятни эмоционал бошқариш ва ўз-ўзини бошқаришни амалга оширишга имкон берувчи низони адекват идрок этиш, шунингдек, низоларни объектив, ҳаққоний ва ижодий асосда бошқаришга доир когнитив қобилиятлар ва шахслилик тавсифи, деган хулосага келинди.

6. Тадқиқотда педагогнинг низоли муҳит шароитида масъулиятни ўз зиммасига олиш қобилияти ва тайёрлиги конфликтологик компетентлилик тушунчаси орқали ифода этилди. Конфликтологик компетентлилик педагогнинг махсус компетенциялари тизимига тегишли бўлиб, у таълим муассасасида низоларни бошқаришга тайёрлик ва қобилиятлиликни ифода этади.

7. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган педагогларда конфликтологик компетентлиликни ривожлантиришнинг профилактик модели яхлит тизим сифатида ўзида тайрлов, асосий ва якуний босқичларни қамраб олган бўлиб, мақсадга йўналтирилган, диагностик, методологик, амалий ва натижавийлик компонентларини акс эттирди.

8. Тадқиқот доирасида педагогик низоларнинг профилактик технологиялари сифатида рефлексив ва витаген технологиялари такомиллаштирилди. Рефлексия педагог ва ўқувчиларнинг ўзаро биргаликдаги фаолият самарадорлиги ҳамда муваффақиятини ўз-ўзи ташхис этиш технологияси сифатида талқин этилди.

9. Рефлексив технологияларни амалиётга татбиқ этишда қуйидаги шарт-шароитларга асосланилди: педагогик жараён субъектларининг юқори даражада ўз-ўзини сафарбар этиш асосида ишлаш истаги; педагогнинг педагогик фаолиятга ва ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятига аксиологик муносабати; ўзининг ички куч ва имкониятларини ишга солиш; ички оламининг гўзаллиги; вербал ва новербал ахборотнинг мазмун-моҳиятини тушуниш ва ҳ.к.

10. Педагогик низолар профилактикаси жараёнида витаген информацияларни ҳаётий тажрибаларга айлантиришда қуйидаги босқичларга асосланилди: витаген информацияни дастлабки идрок этиш; баҳоловчи – ўқувчи олинган ахборотнинг аҳамиятини аниқлаштиради ҳамда умуминсоний ва шахсий нуқтаи назардан баҳолайди; шакллантирувчи босқич – янги материални ёдда сақлаш ва уни ҳаётий тажрибага айлантириш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**НАВОИЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**НАРЗИКУЛОВА ДИЛНОЗА ХАШИМЖОНОВНА**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОФИЛАКТИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ  
ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КОНФЛИКТОВ В УСЛОВИЯХ  
ИНФОРМАТИЗАЦИИ ОБРАЗОВАНИЯ**

**13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений.**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА (PhD) ФИЛОСОФИИ ПО  
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Самарканд – 2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.3.PhD/Ped306.**

Диссертация выполнена в Навоийском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета [www.samdu.uz](http://www.samdu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** **Ибраимов Холбой Ибраимович**  
доктор педагогических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Чориев Абдишукур Чориевич**  
доктор педагогических наук, профессор  
**Ходжаев Бегзод Худойбердиевич**  
доктор педагогических наук, профессор

**Ведущая организация:** **Бухарский государственный университет**

Защита диссертации состоится “\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2018 года в \_\_\_ на заседании Научного совета Phd.28.03.2018.Ped.02.05 при Самаркандском государственном университете по адресу: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, 15. Телефон: (0366) 239-12-29; факс: (0366) 239-13-87, e-mail: [samdu\\_ped\\_kengash@samdu.uz](mailto:samdu_ped_kengash@samdu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована за № \_\_\_\_\_). (Адрес: 140104, Самарканд, Университетский бульвар, 15. Телефон: (0366) 239-11-51.

Автореферат диссертации разослан "\_\_\_" \_\_\_\_\_ 2018 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2018 года).

**М.М.Махмудова**  
Заместитель председателя научного  
совета по присуждению ученых  
степеней, д.п.н., профессор

**М.А.Файзиев**  
Ученый секретарь научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
к.п.н, доцент

**Н.Шодиев**  
Председатель научного семинара  
при научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.п.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии)**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** В условиях глобальной информатизации все возрастает важность стремительного развития общества с современной поликультурой, а также профилактических действий, направленных на правовые и практические взаимодействия в дипломатическом решении конфликтов: глобальных, влияющих на жизнь и будущее человечества, и текущих, происходящих в повседневной жизни людей. Как основной объект данных профилактических процессов принимаются во внимание педагогические конфликты в образовательных учреждениях, считаются высокими их возможности обучать и быть примером в формировании конфликтологической культуры.

Учеными сферы признается высокая эффективность результатов научных исследований по изучению решений спорных ситуаций, развитию сферы конфликтологии в таких странах, как США, Великобритания, Франция, Китай, Россия. В частности, если исследования Центра исследований в области мирного образования (США) были направлены на роль вредной информации и духовных угроз в профилактике конфликтов в обществе, то в основных направлениях исследований Центра конфликтологических исследований (Россия) учтены проявления педагогических конфликтов, возникающих на основе отрицательных изменений в социальном поведении молодежи из-за ее зависимости от компьютера и Интернета.

В нашей стране преобразования, проводимые по обеспечению качества образования и воспитания, укреплению материально-технической базы и методической обеспеченности образовательных учреждений, дальнейшему улучшению условий для работы и жизни учителей, гуманизации и демократизации образования создают возможность для повышения авторитета и престижа педагогической профессии в обществе, широкого применения в учебных процессах личностноориентированных образовательных моделей. В то же время есть необходимость повышения эффективности профилактических технологий конфликтных ситуаций среди субъектов педагогического процесса. В настоящее время перед системой образования поставлены такие важные задачи, как «продолжение путей дальнейшего совершенствования системы непрерывного образования, повышение возможностей для качественных образовательных услуг, подготовка высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда»<sup>1</sup>, в этом контексте большое значение приобретают определение факторов и форм проявления любого педагогического конфликта при условиях информатизации образования, совершенствование содержания развития конфликтологической компетентности у педагогов и технологий профилактических процессов.

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»./Собрание законодательства Республики Узбекистан. 2017 г., № 6. 70-с.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных в указе Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года № УП-4947, постановлении «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах» от 5 июня 2018 года № ПП-3775, указе «О дополнительных мерах по совершенствованию системы управления народным образованием» от 5 сентября 2018 года № УП-5538, постановлении Кабинета Министров «О совершенствовании системы переподготовки и повышения квалификации руководящих и педагогических кадров профессионального образования» от 5 июня 2018 года а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной деятельности.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Степень изученности проблемы.** Концептуальные основы предотвращения педагогических конфликтов, развития конфликтологической культуры у будущих учителей были изучены Н.Азизходжаевой, М.Ахмедовой, Р.Жураевым, Х.Ибрагимовым, Н.Эгамбердиевым.

Вопросы гуманизации педагогических отношений в условиях информатизации образования, а также развития культуры потребления информации, формирования здорового образа жизни, профилактики и коррекции поведения учащейся молодежи были изучены в научных работах Ш.Абдуллаевой, А.Арифджановой, У.Бегимкулова, Н.Джумаевой, О.Жамолиддиновой, О.Ибодуллаевой, Р.Исянова, А.Исмановой, О.Мусурмоновой, З.Салиевой, Б.Ходжаева, Ш.Шарипова, Б.Шермухаммадова, М.Куронова.

Общие, философские и социологические основы изучения конфликтов были исследованы М.Бекмуродовым, М.Якубовой, Г.Туйчиевой, Н.Шермухаммедовой, а также такими зарубежными учеными, как А.Анцупов, К.Боулдинг, Ф.Бородкин, Н.Гришина, Р.Дарендорф, Э.Дюркгейм, в работе которых раскрываются суть и значение конфликтов, их движущие силы, типология, методы управления конфликтами.

Психологические аспекты конфликта в контексте межличностных отношений были отражены в научных исследованиях М.Дойч, А.Здравомыслова, В.Журавлева, Б.Лихачёва, Б.Ломова, В.Мерлина, В.Мясищева, Ж.Пиаже, Н.Сафаева, Р.Суннатовой, Э.Эриксона, Б.Кодирова, Э.Гозиева, О.Ивановой, О.Лукашонков, В.Андрева, И.Рыдановой, В.Сластенина, Н.Щурковой.



